

НАВБАТДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудудаги Хўжамулки маҳалласида туман ҳоким ўринбосари Н.Алланазаров ҳамда тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла аҳолиси ва ёшлар иштирокида сайёр қабул бўлиб ўтди.

Қабул давомида фуқаролар томонидан асосан такрорий экин учун ер майдони олиш, электир, ичимлик суви, ички йўларни таъмирлаш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушди. Шунингдек маҳалладаги ёшлар мурожаатлари ҳам тингланди.

Мурожаатларининг ижобий ҳал этилиши бўйича тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Учрашув со'нгида маҳалладаги кекса нуроний отахонлар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини тилаб дуога қўл очдилар.